

Хашимов Пазлиддин Зукурович,
Ўзбекистон Миллий университети профессор
вазифасини бажарувчи
Тураев Зиядулла Норсоатович,
Термиз Давлат университети катта ўқитувчиси

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

УЎК: 332.1:338.484.2(575.1)

ХАШИМОВ П.З., ТУРАЕВ З.Н. СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мамлакатимизда сўнгги йилларда туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ўз натижасини бермоқда. Хизматлар сифатини халқаро андозалар даражасида бўлишига ҳаракат қилинаётганлиги, туристларнинг ташриф манзилларида кўпроқ муддат қолишлари учун қулай шароитлар яратиб бериш чора-тадбирларининг ишлаб чиқиляётганлиги Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби асосий туризм марказларида хорижий туристлар сони сезиларли ошишига олиб келди. Бошқа вилоятларда ҳам туризм ресурсларидан унумли фойдаланишга эътибор қаратилиб, соҳавий дастурлар ишлаб чиқилмоқда, ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда улардан самарали фойдаланиш йўллари белгилаб олинмоқда. Сурхондарё вилоятининг ўзига хос табиати, географик жойлашуви, тарихий-маданий мероси, урф-одатлар ва археологик объектлари туризмни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Сўнгги йилларда вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, дастурлар қабул қилинган. Ушбу дастурларда белгилаб олинган вазифалар тўлақонли бажарилмаётганлиги, кутилган самара бермаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бу эса туризм ресурсларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари сифатида инфратузилмани барпо этиш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, маркетинг, тижорат ахборот тизимларини ташкил этиш механизмларини такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Калит сўзлар: ҳудуднинг туристик-ресурс салоҳияти, аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси, туристик кластер, давлат-хусусий шериклик механизми, оилавий меҳмон уйлари, хостеллар

ХАШИМОВ П.З., ТУРАЕВ З.Н. ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ ТУРИЗМА В СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Реформы, проводимые в нашей стране в последние годы для ускорения развития туризма, приносят свои плоды. В последние годы количество иностранных туристов в крупных туристических центрах, таких как Самарканд, Бухара, Хива, Ташкент, значительно увеличилось, так как прилагаются усилия к тому, чтобы качество услуг было на уровне международных стандартов, для создания благоприятных условий чтобы туристы задерживались подольше. В остальных регионах уделяется внимание эффективному использованию туристических ресурсов, разрабатываются отраслевые программы, определяются основные направления развития и пути их эффективного использования. Уникальная природа, географическое положение, историческое и культурное наследие, традиции и археологические памятники Сурхандарьинской области показывают, что здесь созданы благоприятные условия и возможности для развития туризма. В последние годы были разработаны меры и программы по развитию туристической отрасли в регионе. Очевидно, что поставленные в этих программах задачи не полностью реализованы и не дают ожидаемых результатов. Это показывает необходимость совершенствования механизмов построения инфраструктуры, обучения и переподготовки, маркетинга, организации коммерческих информационных систем как основных направлений эффективного использования туристических ресурсов.

Ключевые слова: туристский ресурсный потенциал региона, доходы и уровень жизни населения, туристический кластер, механизм государственно-частного партнерства, семейные гостевые дома, хостелы.

XASHIMOV P.Z., TURAEV Z.N. MAIN DIRECTIONS OF TOURISM DEVELOPMENT IN SURKHANDARYA REGION

The reforms carried out in our country in recent years to accelerate the development of tourism are bearing fruit. In recent years, the number of foreign tourists in large tourist centers such as Samarkand, Bukhara, Khiva, Tashkent has increased significantly, as efforts are being made to ensure that the quality of services is at the level of international standards, to create favorable conditions for tourists to stay longer. In other regions, attention is paid to the effective use of tourism resources, industry programs are being developed, the main directions of development and ways of their effective use are determined. The unique nature, geographical location, historical and cultural heritage, traditions and archaeological monuments of the Surkhandarya region show that favorable conditions and opportunities for the development of tourism have been created here. In recent years, measures and programs have been developed to develop the tourism industry in the region. Obviously, the tasks set in these programs have not been fully implemented and do not give the expected results. This shows the need to improve the mechanisms for building infrastructure, training and retraining, marketing, organizing commercial information systems as the main areas of effective use of tourism resources.

Key words: tourist-resource potential of the region, income and living standards of the population, tourist cluster, public-private partnership mechanism, family guest houses, hostels.

Кириш.

Мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга устувор тармоқ сифатида эътибор қаратилаётганлиги ва бу йўналишда сўнги йилларда жадал суратларда ўсиш кузатилаётганлиги Сурхондарё вилоятида мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланишни долзарб вазифага айлантирди. Вилоят республика ҳудудлари орасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ўртачадан паст эканлиги қатор қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Бу эса маҳаллий аҳолининг туризм хизматларига бўлган талабини қондириш,

туризм соҳасида аҳоли бандлиги, янги иш ўринлари ташкил этишдаги муаммолар, туризм хизматлари кўрсатувчи инфратузилма туманлар кесимида номутаносиб тақсимланганлиги, туризм салоҳияти юқори бўлган аксарият туманларда туристик классдаги жойлаштириш воситаларининг мавжуд эмаслиги, туризм хизматлари кўрсатувчи ташкилотларда туризм соҳаси мутахассислари бўлмаган кадрлар салмоғи баъзи меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларида 90 фоиздан ортиқ эканлиги, соҳага мутахассисларни жалб этиш ҳолати қониқарсиз экан-

лиги, ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида туризм хизматлари улушининг камлиги ва шу каби бошқа муаммолар йиғилиб қолганлигини кўрсатмоқда.

Фикримизча, вилоятда туризм салоҳиятидан унумли фойдаланиш, унинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб маҳаллий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда юқорида келтирилган муаммолар ечимини топиш лозим.

Илмий муаммони қўйилиши.

Минтақаларда туризмни ривожлантириш муаммолари кўпгина ҳудудларга хос бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда туризм салоҳиятидан фойдаланиш жаҳон амалиёти кўрсатишича юқори самара беради. Республикамизда бир қатор тадқиқотчилар томонидан туризм соҳасини ривожлантириш бўйича бир қатор йўналишларда самарали тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, минтақалар туризм имкониятларини баҳолаш, уни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари, механизмлари ишлаб чиқилган¹.

Глобаллашув шароитида ҳудудлар рақобатбардошлигини ошириш ва унинг иқтисодиёти ривожини билан боғлиқлик даражасини баҳолаш борасида ечилмаган илмий масалалар мавжуд. Шунинг билан, туризм корхоналарини ривожлантириш бўйича стратегияларни шакллантириш ва амалга ошириш, уларни ахборотлаш асосида ишлаб чиқариш фаолиятини ички ва ташқи бозор талабларига мувофиқлаштириш масалалари тадқиқ этилиши лозим.

Тадқиқотнинг мақсади вилоятдаги ўзига хос туристик ресурслар - буддавийлик, ислом динларига эътиқод қилувчиларнинг зиёрат масканлари бўлган зиёратгоҳлар, ибодатхоналар, тарихий обидалар, тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги инсонларнинг табиат қўйнида қисқа муддатли дам олишлари учун қулай бўлган ҳудудларнинг тури-

стик салоҳиятидан унумли фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилиш ва улардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишларини аниқлаш бўйича илмий тақлифлар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари. Мақолани тайёрлаш жараёнида диалектик, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, илмий абстракция, монографик кузатув, тизимли ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Асосий натижалар.

Сурхондарё вилоятида мавжуд ресурслардан фойдаланган ҳолда туризм соҳасини жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш бўйича мақсадли дастурлардан келиб чиққан ҳолда вилоятда туризм соҳасини етакчи тармоқлардан бирига айлантириш қуйидаги стратегик йўналишларда амалга оширилмоқда²:

- вилоятда туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш;
- ҳудуднинг туристик ресурсларини сақлаш ва уларни кўпайтириш;
- туристик ва йўлдош инфратузилмани шакллантириш, уларнинг фаолиятини яхшилаш;
- транспорт логистикаси ва хизматларини кўрсатишни яхшилаш;
- вилоятнинг ўз брендларини яратиш, янги туристик маршрутлар ва маҳсулотлар турини ишлаб чиқиш;
- малакали кадрлар тайёрлаш, соҳада фаолият юритувчи ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Биринчи йўналиш бўйича туристик салоҳият юқори бўлган ҳудудларда маҳаллий аҳолини туризм соҳасидаги тадбиркорликка жалб қилиш, маҳаллий ва хорижий туристларни табиат қўйнида қисқа муддатли дам олишлари, соғлиқларини тиклашлари учун қулай имкониятлар мавжуд бўлган Шеробод, Бойсун, Узун, Сариосиё, Денов, Олтинсой туманларида дам олиш базалари, хусусий хонадонлар, мавсумий фаолият юритадиган болалар ёзги оромгоҳларини ташриф буюрувчи-

¹ Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. - Т.: Гос.науч.изд-во "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2006. - 424 с.; Асанова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // «Сервис», 2013. №1, С: 4-9; Тўраев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. -Т.:«Фан», 2009. - 154 с.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. Иқтисодиёт, - Тошкент, 2015. - 300 б.; Эштаев А.А. Туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси. - Т.: "Фан", 2011. - 280 б.; Норчаев А. Н. Замонавий туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари. DSc дисс. - Т.: 2021. - 246 б.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги "Ўзбекистон республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПФ-5611-сон Фармони // lex.uz

ларга хизмат кўрсатувчи туризм соҳасида фаолият юритадиган расмий тадбиркорлик субъектларига айлантириш лозим.

Ҳозирги кунда Собиқ Иттифоқ даврида турли ташкилотларга тегишли бўлган дам олиш базалари хусусийлаштирилган бўлиб, ушбу объектларга маҳаллий дам олувчилар ташриф буюришсада улар томонидан жойлаштириш хизматлари кўрсатилганлиги ҳақида статистика органлари ҳамда туризм ва спорт вазирлиги ҳудудий бошқармаларида расмий маълумотлар мавжуд эмас. Ўтказилган онлайн сўровнома натижаларига кўра Сурхондарё вилоятида 266 та уй хўжаликларининг 78 фоизиди камида 2 киши йил мобайнида қисқа муддатли дам олиш мақсадида табиат қўйнига чиқишган. Сўровномада иштирок этган респондентлар қисқа муддатли 2-3 кунлик ташриф учун ўртача 350 минг сўмдан ортиқроқ маблағ сарфлаганликларини маълум қилишган. Вилоятда уй хўжаликларининг сони 520000 дан ортиқ бўлиб, уларнинг 70 фоизи ўртача 700000 сўм миқдорида табиат қўйнида қисқа муддатли дам олишга харажатларни амалга оширган деб ҳисобласак, бир йил мобайнида 366 млрд. сўмдан ортиқ харажатлар амалга оширилганлигини тахмин қилишимиз мумкин. 2020 йилда вилоят статистика бошқармаси маълумотларига кўра 8013,9 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлиб, унинг таркибида туризм хизматларининг улуши 25,4 млрд. сўм ёки 0,3 фоизни ташкил этади. Ушбу сўровномага кўра амалга оширилган қисқа муддатли дам олиш харажатлари жами хизматларга нисбатан 4-5 фоизга тенг туризм соҳасига алоқадор норасмий сектор хизматлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Туризм соҳасида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳаракатлар стратегияси, Президент Фармонлари доирасида амалга оширилаётган ислохотларга қарамасдан норасмий сектор мавжудлиги ва уларни расмий фаолият юритишга ўтказиш чораларини кўриш лозимлигини кўрсатмоқда.

Расмий маҳаллий туризм тадбиркорлиги субъектларини ташкил этиш учун уларга:

- махсус молиялаштириш манбасини ташкил этиш ёки туризмни ривожлантириш жамғармаси маблағларини вилоятдаги кичик туризм зоналаридаги лойиҳаларга йўналтириш;
- солиққа торттишнинг алоҳида тартибини жорий қилиш;

– имтиёзли ўрта ва узоқ муддатли кредит маблағларини йўналтириш;

– махсус маслаҳат муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш орқали улар яшаётган ҳудуднинг инфратузилмасини яхшилаш, хизмат кўрсатиш сифатини оширишга эришиш, бу орқали ташриф буюрувчилар сонининг ошишига, янада кўпроқ иш ўринларининг яратилишига, олинадиган даромадлар ҳажмини ошириш мумкинлигини тушунириш лозим.

Иккинчи йўналиш бўйича вилоятдаги 700 дан ортиқ маданий мерос объектларини босқичма-босқич туризм бўйича ташриф масканларига айлантириш учун манзилли дастурларни ишлаб чиқиш, жумладан, Султон Саодат мажмуаси, Қирққиз қалъаси, Кокилдор ота зиёратгоҳи, Сўфи Оллоёр, Хўжа Алоуддин Аттор, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид зиёратгоҳларини ислом динига эътиқод қилувчи маҳаллий ва хорижий зиёратчилар ташрифи учун тайёрлаш, буддавийлик динига эътиқод қилувчи хорижлик зиёратчилар ва маҳаллий ташриф буюрувчилар учун Далварзинтепа, Фаёзтепа, Қоратепи, Зўрмўла, Кампиртепа каби буддавийлик ибодатхоналари, иншоотларини ташриф буюрувчиларни қабул қилиш учун тайёрлаш, туризм инфратузилмасини яратиш. Ушбу маданий мерос объектларида топилган археологик экспонатлар акс этган музейлар сонини кўпайтириш керак.

Учинчи йўналиш бўйича Термиз, Бойсун, Шеробод, Олтинсой, Денов, Сариосиё, Узун туманлари ҳудудидаги тоғ ва тоғолди зоналарида туристик инфратузилма, жумладан, маҳаллий туристлар учун арзон жойлаштириш воситалари бўлган хостеллар, оилавий меҳмон уйлари, хорижий туристлар учун халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий меҳмонхоналар, туристик базалар, даволаш-соғломлаштириш масканлари фаолиятини йўлга қўйиш, ушбу ҳудудларда йўлдош инфратузилма ҳисобланган турли маданий, кўнгилочар, спорт тадбирлари ўтказиш имкониятига эга бўлган иншоотлар, савдо ва умумий овқатланиш марказларидан иборат яхлит туризм мажмуаларини барпо этиш учун шароит яратиш лозим.

Туризм соҳасини ривожлантиришда кичик туризм зоналарини ташкил этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини яхшилаш, табиий омиллардан унумли фойдаланиш, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган технологияларни жалб

этиш, халқаро ва ички бозорга юқори сифатли сервис ва туристик хизматларни тақдим этиш, хизматлар экспорти миқдорини ошириш, туризм инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли бандлигини янада ошириш ва туристларга сифатли хизматларни тақдим этган ҳолда туристлар оқимини янада кўпайтиришга эришиш орқали ижтимоий-иқтисодий соҳани ривожлантириш имконини беради.

Кичик туризм зоналари фаолиятини йўлга қўйишнинг ташкилий-иқтисодий механизми маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиши керак, бунинг учун:

Биринчидан, кичик туризм зоналаридаги қишлоқ ва маҳаллаларни «Туризм қишлоғи» ва «Туризм маҳалласи» мақоми берилишини таъминлаш лозим. Бу мақомга эга бўлган ҳудудлар қуйидаги имкониятларга эга бўлади:

- «Обод қишлоқ» дастурига киритиш орқали электр энергияси, газ, сув таъминоти, канализация тизими тубдан яхшиланиб, уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга эришилади;

- йўллар қайта таъмирланиб, ҳудуд ободонлаштирилади;

- мобиль алоқа ва интернет тармоғи сифатини ошириш учун базавий станциялар фаолияти йўлга қўйилади¹.

Иккинчидан, кичик туризм зоналарида рекреацион-туристик кластерларни ташкил этиш имкони яратилади. Хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, кластерли ёндашувнинг турли туманлиги соҳавий ва миллий омиллар билан боғлиқ². Шундай бўлсада, 12 та кластерга хос бўлган белгиларни ажратиб кўрсатиш мумкин, булар: тадқиқ этиш ва ривожлантириш имкониятининг мавжудлиги, ишчи кучининг маҳорати, инсон ресурслари салоҳиятининг ривожланганлиги, хизматлар алоҳида турларининг мавжудлиги, етказиб берувчиларнинг яқинлиги, маблағнинг мавжудлиги, асбоб ускуналар етказиб берувчилар билан муносабатлар, уюшган таркибий тузилмалар, тармоқларни барпо қилиш интенсивлиги, тадбиркорлик шижоати, инновация ва ўқитиш,

жамоавий раҳбарлик. Ўта муҳим кўрсаткич сифатида махсус ишчи кучи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу минтақавий кластер дастурининг энг муҳим ва мажбурий элементи ҳисобланади. Туристтик рекреацион кластерларни барпо этиш учун аввало унга аъзо бўладиган томонлар мавжуд бўлиши лозим, вилоят ҳудудларида бу каби расмий фаолият юритаётган хизмат кўрсатувчи ва рақобатлашувчи объектлар мавжуд эмас ёки рақобатчилари йўқ. Маҳаллий аҳолининг туризм хизматларини кўрсатишида тадбиркорлик фаолиятини расмий секторда давом эттиришга ўтказишда давлат ва хусусий шериклик механизмидан муқобиллик асосида фойдаланиш мақсадга мувофиқ³.

Давлат ва хусусий тадбиркорлар ҳамкорлиги натижасида бюджет маблағлари ёки давлат бюджетдан ташқари молиявий маблағлардан самарали фойдаланиш, йўналтирилаётган маблағларнинг ҳажмини ошириш каби афзалликларга эга бўлишидан ташқари маҳаллий аҳоли ҳамда ташриф буюрувчилар ҳам манфаатдор бўлиб ҳисобланадилар (1-расм).

Кичик туризм зоналарида тадбиркорликни ривожлантириш, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб этиш, минтақа нуфузини ошириш бўйича фаол сиёсатни амалга ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб, ижтимоий ва транспорт инфратузилмаларини барпо этиш, таъмирлаш ва такомиллаштириш; ахборот тармоқларини ташкил этиш ва ривожлантириш; кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; бозор инфратузилмасини жумладан, маркетинг хизмати, тижорат ахборот тизимларини ташкил этишга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича вилоятда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Туркиялик инвесторлар билан ҳамкорликда Бойсун туризм марказининг техник иқтисодий асослари ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра 2020-2040 йилларга мўлжалланган умумий қиймати 140 896 000 АҚШ доллари бўлган инвестиция лойиҳаси 4 босқичда амалга оширилиши режалаштирилган⁴.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-3630-сон Қарори // lex.uz

² Анохина М. Е., Мочальников В.Н., Коростелев Д.Г. Кластерные технологии в системе управления региональным развитием. // Российское предпринимательство, № 9 (255) / май 2014. - С.62.

³ Муминов Н.Г., Хамраев О.Я. Концепция «нового государственного управления» и зарубежный опыт в сфере социального партнерства // Актуальные научные исследования в современном мире (Украина). №6 (38), часть 4. 2018. С. 119-123

⁴ Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси маълумотлари

1-расм. Туризм соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмидан фойдаланишнинг афзаллиги¹.

Тўртинчи йўналиш бўйича вилоятнинг Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой, Бойсун, Шеробод туманларидаги тоғ ва тоғолди ҳудудларига дам олиш мақсадида ташриф буюрувчиларга сифатли транспорт хизматларини йўлга қўйиш учун ушбу дам олиш зоналарига мунтазам равишда транспорт қатновларини йўлга қўйиш лозим. Ушбу ташриф манзиллари аҳоли кўп яшайдиган ҳудудлардан узоқлигини ҳисобга олган ҳолда баҳор ва ёз ойларида ташриф буюрувчилар кўп бўлган пайтларда жадвал асосида қатновчи автобуслар ҳамда туристик ташкилотларнинг ушбу маршрутларда қатнайдиغان транспорт воситаларига харажатларини қисқартишилари, арзон транспорт хизматлари кўрсатишлари учун имтиёзли нархларда ёқилғи таъминотини йўлга қўйиш керак.

Бешинчи йўналиш бўйича маҳаллий брендларни яратишда вилоятнинг ўзига хос, бошқа ҳудудларда ҳам тан олинган диққатга сазовор жойлари, таомлари, ташриф манзилларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, Жарқўрғон тан-

дир гўшти, Шеробод сомсаси, Денов сомсасини гастронмик туризм брендига айлантириш мумкин. Вилоятда асосий рекреацион туризм зоналари ҳисобланган Сариосиё, Бойсун, Шеробод туманларидаги ташриф манзилларини бир-бири билан боғловчи ва мунтазам қатновлар амалга ошириладиган туристик транспорт йўлагини ташкил этиш лозим. Бу борада “Олтин учбурчак” лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, “Олтин учбурчак” («Golden Triangle») брендини шакллантириш ва тарғиб қилиш лозим.

Бойсун туманида жойлашган темир дарвоза деб номланган тоғ йўлини тарихий экотуризм маршрути сифатида “Темир дарвоза” (“Iron Gate”) брендига айлантириш мумкин. Ушбу дарвоза орқали қатор тарихий экотуризм маршрутлари бўйлаб Тешиктош, Мачай ёрларига, Бойбулоқ ёри атрофидаги динозавр излари акс этган ҳудудларга саёҳат қилиш мумкин².

Олтинчи йўналиш бўйича Сурхондарё вилоятида туризм соҳасида фаолият юритадиган малакали кадрлар тайёрлаш 2017 йилда Термиз дав-

¹ Муаллифлар томонидан тузилган.

² <https://regnum.ru/news/innovatio/2473567.html>

2-расм. Сурхондарё вилоятида туризм турларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари¹.

лат университетида йўлга қўйилган бўлиб, 2021 йилда биринчи битирувчилар фаолиятларини бошлашди. Малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж туризм хизматларини шакллантириш ва хизмат кўрсатишни йўлга қўйишда ўз таъсирини кўрсатмоқда. 266 та уй хўжаликларида ўтказилган онлайн сўровномага кўра респондентларнинг 57,5 фоизи вилоятда туристик йўлланмалар таклиф этувчи ташкилотларнинг борлиги ҳақида маълумотга эга эмаслиги ва улар томонидан хизматлар таклиф этилмаганлигини билдиришган бўлса, 70 фоиз респондентлар меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари хизматларидан фойдаланмаганликларини билдиришган.

Вилоятнинг табиий, тарихий ва маданий туристик ресурс салоҳиятидан келиб чиқиб қуйидаги туризм турларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ (2-расм).

Вилоят туманлари кесимида қарайдиган бўлсак, Ҳисор тоғ тизмалари, шимол ва шимолий ғарбида Бойсунтоғ ва Кўҳитантоғ, шарқий қисмида Боботоғ этакларида табиий туристик

ресурслар, Термиз шаҳри, Термиз тумани, Шеробод, Жарқўрғон, Шўрчи, Олтинсой, Денов туманларида археологик ёдгорликлар, меъморчилик обидалари, маданий мерос объектлари кўплиги билан ажралиб туради. Туманлар кесимида уларни истиқболли туризм турларини ривожлантиришга иктисослаштириш мумкин. Аксарият туманларда рекреацион ресурслар экотуризм, даволаш – соғломлаштириш каби туризмнинг кўпгина турларини ривожлантириш салоҳияти мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу туманлар орасида Бойсун, Сариосиё, Узун, Шеробод туманлари табиий туристик ресурслар билан таъминланганлиги ва жозибдорлигини 5 баллик шкалада баҳолайдиган бўлсак, энг юқори кўрсаткичга эга эканлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Шу сабабли ушбу туманларда кичик туризм зоналари, туристик кластерлар ташкил этиш, туристик хизмат кўрсатувчи объектлар фаолиятини йўлга қўйиш лозим. Туристлик мавсумида вилоятдаги 5 та ўрмон хўжалигига, Шеробод туманидаги Сурхон давлат қўриқхонаси билан чегарадош

¹ Муаллифлар томонидан тузилган.

1-жадвал. Сурхондарё вилояти табиий-рекреацион ресурсларини туманлар кесимида баҳолаш¹

Шаҳар ва туманлар	Таъминланганлик даражаси	Ресурслар жозибадорлиги
Термиз шаҳри	2	2
Ангор	1	1
Бойсун	5	5
Денов	4	4
Жарқўрғон	3	3
Қизириқ	1	1
Қумқўрғон	3	3
Музработ	2	2
Олтинсой	4	4
Сариосиё	5	5
Термиз	3	4
Узун	5	5
Шеробод	5	5
Шўрчи	3	3

худудлардаги қишлоқларга, Бойсун туманидаги тоғли ва тоғолди қишлоқларига, Олтинсой, Денов, Сариосиё, Узун туманларининг тоғ ва тоғолди қишлоқларига, Жарқўрғон, Термиз, Қумқўрғон туманларидаги сув омборлари ва адирликларга, қатор хусусийлаштирилган собиқ дам олиш базаларига, болалар ёзги оромгоҳларига дам олиш мавсумида 5 ой мобайнида қисқа муддатли бир неча кунга дам олишга келишини ташкил этиш мумкин. Кўриниб турибдики, ушбу туманлар салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда туристларни қабул қилиш объектлари сонини режалаштириш талаб этилади.

Ушбу туманлардаги ташриф манзилларида туризм инфратузилмаси ва ёндош инфратузилмаларни ривожлантириш лозим. Туризм инфратузилмаси объектларини туманлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларининг сони 2019 йилда 25 тани, улардаги номерлар сони 468 та ва жойлар 850 тани ташкил этган ҳолда, асосий номерлар ва жойларнинг кўпи Термиз шаҳри ва Термиз туманига тўғри келмоқда. Олтинсой ва Қумқўрғон туманларида 1 тадан меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари мавжуд бўлса, Ангор, Музработ, Шеробод, Узун туманларида бирорта меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари мавжуд эмас. Ушбу ҳолат мазкур худудларда туристик хизмат кўрсатиш объектларини, жумладан жойлаштириш воси-

таларини ҳам барпо этишни, фаол инвестицияларни жалб этишни талаб этади. Бу борада туризм соҳасига жалб этилаётган инвестициялар бошқа фаолият соҳаларидан фарқли равишда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда экологик тозаллиги билан ажралиб туради. Уни тўғри ташкил этиш тарихий, маданий ва табиат ёдгорликларини асраб авайлаш ва аҳолининг моддий ва маънавий юксалишига олиб келади².

Хулоса ва таклифлар.

Вилоятнинг ўзига хос меъморчилик объектлари, диний зиёратгоҳлари, жаҳон мероси рўйхатига киритилган миллий урф-одатлари, ошхонаси ҳамда тоғолди худудларидаги кўплаб дам олиш масканлари, болалар оромгоҳлари, даволаш-соғломлаштириш масканларининг мавжудлиги ва туристик-рекреацион фаолиятни ривожлантиришдаги улкан салоҳиятдан унумли фойдаланишда ташкилий иқтисодий механизмни такомиллаштириш, асосий йўналишлари бўйича ижтимоий ва транспорт инфратузилмаларини барпо этиш, таъмирлаш ва такомиллаштириш, ахборот тармоқларини ташкил этиш ва ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, бозор инфратузилмасини жумладан, маркетинг хизмати, тижорат ахборот тизимларини ташкил этишга асосий эътиборни қаратиш лозим.

¹ Муаллифлар томонидан ўтказилган эксперт сўровлари асосида тузилган.

² Абдулманапов С.Г. Общественная собственность в стратегии устойчивого социально-экономического развития депрессивного региона. – Махачкала: ИД «Наука плюс; Дагестанский науч. ц. РАН. 2006.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон Фармони // lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3630-сон Қарори // lex.uz
3. Абдулманапов С.Г. Общественная собственность в стратегии устойчивого социально-экономического развития депрессивного региона. – Махачкала: ИД «Наука плюс; Дагестанский науч. ц. РАН. 2006. С.36.
4. Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. Иқтисодиёт, – Тошкент, 2015. – 300 б.
5. Анохина М. Е., Мочальников В.Н., Коростелев Д.Г. Кластерные технологии в системе управления региональным развитием. // Российское предпринимательство, № 9 (255) / май 2014. С.46.
6. Муминов Н.Г., Хамраев О.Я. Концепция «нового государственного управления» и зарубежный опыт в сфере социального партнерства // Актуальные научные исследования в современном мире (Украина). №6 (38), часть 4. 2018. С. 119-123
7. Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // «Сервис», 2013. №1, С: 4–9
8. Норчаев А. Н. Замонавий туризм инфратузилмасининг шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари. DSc дисс. Т.: 2021. 246 б.
9. Тўраев Б.Х. Организационно-экономические механизмы регионального туризма. -Т.:«Фан», 2009. – 154 с.
10. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма. -Т.: Гос.науч.изд-во “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. – 424 с.
11. Эштаев А.А. Туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси. – Т.: “Фан”, 2011. – 280 б.
12. Ўзбекистон республикаси Туризм ва спорт вазирлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси маълумотлари
13. <https://regnum.ru/news/innovatio/2473567.html>